



ЎЗБЕКИСТОН

ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси Нархи: 5 сўм
1993 йил 2 апрель, жума №57 (21.408).



ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Малайзия Бosh вазири Махатхир бин Муҳаммад бошқариш хукумати делегациясини қабул қилди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг хошроқ даврага олиниши, уларнинг янада ривожлантириш йўналишлари атрофида муҳо-

кама қилинди. Давлат бошлиғи ва хукумат раҳбари икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларни тақомиллаштириш истиқболлари ҳусусида фикрлашди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири А. Муталов, Бosh вазири ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, У. Султонов, ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Суҳбат чоғида Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фаъуллода ва мухтор элчиси Муҳаммад Хорун ҳам ҳозир бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Малайзия Бosh вазири Махатхир бин

ТАШРИФНИНГ ИККИНЧИ КУНИ

Малайзия Бosh вазири Махатхир бин Муҳаммад бошқариш хукумати делегацияси Ўзбекистонга сафарининг иккинчи куни Алишер Навоий ҳазратлари ҳайкали пойига гулчамбар қўйишдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия давлат байроқлари рамазларини кўтариб олган тошкентликлар мартабали меҳмонни шодибна қарши олдилар.

Малайзия Бosh вазири Махатхир бин Муҳаммаднинг Ўзбекистон миллий бонига ташрифи ва Алишер Навоий ёдгорлиги эиерати чоғида унга Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири Абдулҳошим Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида Ўзбекистон — Малайзия музокаралари давом эттирилди.

Тадбиркорликка—кенг йўл! ЭЛГА ҚАЙИШГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Бахмалда Носир Алимардонови сўрасангиз «Ха, Носир «биржа»ми, дейишди. Юрдошларнинг билиб-билмай бундай аташларида жон бор. Аммо, аслида у ҳеч қандай биржа ёхуд корпорация аъзоси эмас. Шахсий ҳисобда миллион-миллион пули ҳам йўқ. Ишбилармон, ундабуронлиғи эса рост. «Гулбулоқ» давлат хўжалигидаги Дўснат қишлоғида ўсган Н. Алимардонов бир соҳани маҳкам ушлади. Аммо эҳди утири бўлмаса ҳар қандай соҳада ҳам катта ютуқларга эришиш мумкин эмас. Хуллас, у 1985 йилдан «Тоғ отар» давлат хўжалигида иш бошлаган Шароб ишлаб чиқариш корхонасида директор. «Биржа» унвони эса, қўзини билан иш юртиши ҳисобига олтирилган.

МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ РАФИҚАСИ ТОШКЕНТДА

Республикамизга расмий дўстона ташриф буюрган Малайзия Бosh вазири Махатхир бин Муҳаммаднинг рафиқаси — Сити Ҳасмабону республика пойтахтининг ҳаёти билан танишишда давом этди. 1 апрель куни олий мартабали меҳмон Ўзбекистон амалий санъат музейининг ҳаёқ усталари ноёб ишлари қўйилган кўрғазмасини кўздан кеирди. Шундан кейин Сити Ҳасмабону «Шарқ бўли» бадиий наштачилик фабрикасига борди. Сўнгра меҳмон Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири рафиқаси билан танишди.



ЎЗБЕКИСТОН—МАЛАЙЗИЯ ЖАМИЯТИ ИШЛАМОҚДА

Бундан уч йил муқаддам тузилган «Ўзбекистон — Малайзия» жамияти икки мамлакат ўртасида дўстона ва маданий алоқаларни ривожлантиришда муносиб ҳисса қўймоқда. Бир қатор меҳмон гуруҳлари қабул қилинди, дўст мамлакат тарихий саналарига бағишлаб тадбирлар ва тантанали маросимлар ўтказилди.

нинг боришида яхши нисол бўла олади. Бундан ташқари, Тошкентдаги ганч ўймакорлиги усталаридан бир гуруҳи куни кеча Малайзиядан қайтиб келди. Улар у ерда нақшкорлик ишларини бажаришди.

Яқин вақтлар ичида «Малайзия — Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг тузиш ҳақида тақлифлар билдирилди. Бу тақлифларга биноан иккала мамлакатда халқларимиз маданияти кунларини ўтказиш, мамлакатларнинг тарихи, маданияти ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишиш, турли кўрғазмалар айир бошлаш ва бошқа бир қатор маданий тадбирларни ўтказиш кўзда тутилмоқда. Малайзиялик меҳмонлар «Ўзбекистон — Малайзия» дўстлик жамиятида бўлган учрашувларда яхши таассуротлар олдилар.

БУЮК БРИТАНИЯГА ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Буюк Британия элчиси сэр В. Фоллини қабул қилиш чоғидаги келишувга ва Британия томони тақлифига мувофиқ шу йилнинг 24—26 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат махлуқатчиси А. Азизжамол ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоевнинг Лондонга амалий

ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф чоғида Буюк Британиянинг ташқи ишлар вазири сэр В. Фоллини қабул қилиш чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг хошроқ даврага олиниши, уларнинг янада ривожлантириш йўналишлари атрофида муҳокама қилинди.

ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Республика Киночилар уюмида Малайзия Бosh вазири Махатхир бин Муҳаммад бошқариш хукумати делегацияси таркибига кирган савдо-саноат доиралари вакилларининг Ўзбекистон ишбилармонлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримовнинг ўтган йил Малайзияга қилган сафари давомида икки мамлакат ўртасида имзоланган бевосита иқтисодий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома дастлабки мева ларини бераётганини қайд этишди.

Матълумки, ҳозирги кунда иккита Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири электор ҳисоблаш машиналари соҳасида бўлса, бўйича аниқ режаларга эгадирлар ва уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда барқарорлик сақланиши ва шу билан бирга Ўзбек-британия давлатларо алоқалари олдинга силжиши тарафдоридир. Бу эса бизнинг мамлакатимизда ишбилармонлар фаолиятини учун қўлай шартлар яратишда қадрли бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қатар таълим ва маданий соҳаларда ҳаёт-аҳватлар алмашуви кенгайтиришда яхши имкониятлар пайдо бўлди.

ЭРТА ЭККАН ХИРМОН ҚИЛУР

Улкамизда баҳор. Фасллар келинган қир-эдиларга яшил сепини ёйди. Ҳар тонг бободоҳна далага, завқли меҳнат қучоғига отланмоқда. Экин олдидан ерлар суғориляпти, экин майдонлари текисляпти, картошка, нарам, пивё, сабзи экиляпти. Хуллас, деҳқоннинг бош қанишига вақти йўқ. Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номи давлат хўжалиги далаларида бўлган киши буга ишонди.

Хўжалиқнинг «Соҳибкор» ширкатидаги маккажўҳорилик зеноси бошлиғи Яраш Қўчқоров, механизатор Сайфи Давлатовларнинг чекрасида қувонч балқиб турибди. Улар кузда уйладиган хирмон бугунги бажарилаётган иш сифатида боғлиқ аналгининг яхши тушунишида. Бу ерга тумандаги ҳамма хўжалиқларнинг раҳбарлари, мутахассислари, маккажўҳорилик зеносининг бошлиқлари ташриф буюришди. Экин бўйича кўрғазмали анжуман шу ерда ўтказилди.

Хайри йилнинг эртаси яхши, — дейди Яраш Қўчқоров. — Барвақт эккан эр-танги ва сифатли ҳосил ештирилади. Жорий йилда 27 гектар майдоннинг гектаридан 60 центнердан хош илгини ҳам фойдасидир. Ахир, бекорга айтишмаганда элга қайишган кам бўлмайди, деб.

Хўсан ЭРМАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Турдубой СОЙНАЗАРОВ.

ИСТИҚЛОЛ УФҚЛАРИ

Мустақилликнинг иккинчи баҳори, мана шу муборак, қутлуғ кунларга ҳам етиб келдик. Одамларнинг, меҳнаткашларнинг чеҳраларидаги қувонч, дилларидаги гурур туйғуларидан кўнглингиз кўтарилади. Тақдирга қайта-қайта шукроналар айтиш керак. Шукрнинг боиси шукри, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бутун жаҳонда ган олинди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон муайян чегара ва қиёфа касб этиб, миллий мустақил давлат кураётгани.

Ўзбекистонимиз тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб олганини, эртанги кунга қомил ишонч, аниқ режалар билан бораётганини, онадан неча фахрланмайл�қ! Она юртимизда поклашиш ва янгилашнининг шамоллари эсаётди... Ўзбек халқи ўзининг миллий ғеиб, байроғи, Давлат мадҳияси ҳамда Конституциясига эга бўлди. Ана шуларнинг ўзи миллийлигимиз, қадриятларимиз тикланиб бораётганидан яққол далолат эмасми? Наҳ бўлмаса унутилиб кетмишига оз қолган она тилимиз давлат тили сифатида кундалик турмушимизга тобора чуқурак сингиб бораётганлигидан қувонмай бўлаётганими?

Президентимизнинг доно раҳбарлиги, оқилона, узоқни кўра билувчи сиёсати халқимизнинг бахту саодатидир. Биз раҳбаримиз кўрсатмаларини оғинмай амалга ошириб ҳақиқий иқтисодий мустақиллик йўлидан бормоқдамиз.

Илгарилари марказ раёнига қараб иш тутиш оқибадари нимага олиб келганлигини ҳанузгача унут олмаймиз. Йилга 6 миллион тонна пахта еттиштирган халқнинг номини ҳеч ким билмаслиги, тан олмаганининг ўзи фожиа эди. Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бутун сиёсати, саъй-ҳаракатлари, энг аввало мана шу қарамликдан чиқишга, Ўзбекистон номини дунёга ёйишга қаратилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунидангина Президентимиз Покистон, Эрон, Хиндистон, Малайзия, Саудия Арабистони сингари мамлакатларга дўстона сафар қилиб, хоржий давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилганининг ижобий самараларини ҳар биримиз кўриб, ҳис этиб турибмиз. Бундан тўрт-беш йил олдин пахтадан безиб қолган, ўз меҳнати меваидан баҳраманд бўлмаган Ўзбек халқи нафақат меҳнат, балки ўз меҳнатининг натижасига ҳам эга бўлмоқда.

Эътиборга сазовордиси, ҳозирги қийин шароитда бозор иқтисодиётига ўтиш Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида етти ўлчаб бир кес» қабилида, поғонама-поғона амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг улғувор хизматларидан бири ҳалқимизнинг маънавий уфқошига қўшаётган ҳисобидир, деб айтаман. Ахир, ўзини бир йил қўригача, бундан бир неча йил муқаддам Наврўзни умумхалқ байрами сифатида оқин-ошқорани шоншалаб бўлармиди? Рўза, кўрбон ҳайитларини эриши байрам қилиш кимнинг ҳаёлига келибди? Марҳумнинг ҳурматини жоғиба қўйиш учун дуога қўл очин, одамийлик бурчини ўташ учун бормолган паётиларимизни бутунда еслашнинг ўзи уятку.

Шукрим, ўзбекиона урф-одатларимиз, расм-русмларимиз, маросимлар ҳамда қадриятларимиз ҳаётдан мустақил ўрин топмоқда. Яқиндагина бир республикада бўлгани каби вилоятимизда ҳам Наврўз тантанали байрам қилинди.

ҳолда ишлапмиз. Албатта, ишмизда қийинчиликлар, нуқсонлар ҳам бор. Лекин ҳокимиятлар тизими тобора такомиллашмоқда. Саъийиш ишчан, билдими, серғайрат кадрлар ҳисобига янгиламоқда.

Мен ХДП аъзолари бўлган турли даражадаги халқ депутатларининг фаолиятдан қониқиб олаётганимизни ҳам алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда вилоятимиздаги аксарият раҳбарлар лавозимларида ХДП аъзолари самарали меҳнат қилмоқдалар.

Вилоят ҳокимиятининг бутун диққат-эътибори ХДП вилоят кенгаши билан узвий ҳамкорликда республика ҳукумати ва Президентимиз И. А. Каримов кўрсатмаларини изчил амалга ошириш, иқтисод ва сибсатда барқарорлини таъминлашдан иборат. Бунинг учун бутун куч ва имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Халқимизнинг ижтимоий янги ҳаётдан кам таъминланган қатламларини доимий ҳимояга олиш, уларга ёрдам кўрсатиш — биринчи гадаги вазифага айланиб қолди. Ўтган йили бу соҳага виллоятимизда 4,4 миллиард сўм сарфланди. Бу савобли иш мазкур йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг шахсан ўзлари аҳолининг кам таъминланган қисминин ижтимоий ҳимояга олиш бо

ги билан дилларимизда мустақам ўрин олмоқда. Бу китоблар Ўзбекистон давлати, Ўзбек халқининг эртанги истиқбол йўлларини белгилаб берганлиги, келажакка ишонч руҳи билан суғорилганлиги туфайли ҳам қадридлир.

Имкониятдан фойдаланиб, Президентимиз И. А. Каримов гоёлари, унинг китобларини тарғиб қилиш, умуман мафқураимизнинг бутунлиги аҳолига ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Оқирини айтганда, бу борадаги аҳвол қониқарли эмас. Яқин-яқинда ҳам бизнинг ишончли гоёвий кўролимиз бўлган жанговар мафқураимиз фидоий мафқурачиларимиз қарда қолдилар, деган савол туғилди? Ўзбекистондаги бутунлиги вазият, ютуқ ва натижалар лозим даражада тарғиб этилганлиги, халқимиз онинга ўз вақтида етказилганлиги?

Менимча, ҳокимиятлар бу борада ташаббуси кўлга олишлари керак. Иккинчи йил муқаддам партияга ҳос бўлган мафқурага оид фойдаланиш тажрибаларни тиклашимиз, энг яхши анъаналарини давом эттириш лозим. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари тўб моҳиятини халқимизга ўз вақтида етказиш билан ортинча мишиларга барҳам берган, халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустақамлаш бўлади. Бу ўринда ХДП кенгаши, уларнинг бошланғич звенолари ёрдамида иш олиб бормаймиш. Шундай экан, ХДПга кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатлар берилса, мафқура соҳасидаги хизматлари мўносиб рағбатлантириб боришса мақсадда мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Айни пайтда мустақиллигимиз, истиқлолимиздан ҳадсиз фахрланмасда, шу билан бирга иқтисодчиларимиз, мустақиллигимиз душманлари ҳам ошқора, ҳам пинҳона жанг олиб бораётганликлари, озодлигимиз, эркинлигимизни бўғишга, занжирланд қилишга уринаётганликлари ҳаммамазани жиддий ташвишлантирмоқда. Айниқса, Россияда соёбиқ Иттифоқни, КПССтин тиклаш учун олиб борилаётган уринишлар, галямисликлар бизларни янада ҳушёрликка даъват этиши керак.

Кези келганда, Ўзбекистонда туғилди, унинг тузини ичган, охирида мустақиллигимизни кўра олмай ашаддий душманга айланган, тузлигига тушпаётган нонқўр, ғаразқўй кимсалардан оғоҳ бўлишимиз, нафратланишимиз керак, деб ҳисоблайман.

«Нур Анвар банк». Маданият ва умумийсоҳий қадриятлар халқ академияси ва бошқа каттаю-кичик жамоалар мустақиллигимизни кўраолмай ишбилармонлик ниқобига остида турли фитнес, фитнес фасодлар уюштирилганликлари, охирида оқибатда ҳақиқий қиёфалари очилиб, эл-юрт олдида шармадан-шармисор бўлганликларини уларнинг фаолиятига берилган ҳақиқий баҳо деб ҳисоблайман.

Демак, каттаю-кичик, ёшу қари метидаги жинсшармонимиз, охирида кунларда сабр-бардор, чиндам билан асаб-ушбатлар, машаққатлар авазига қўлга киритилган истиқлол қўшинини жонимиз, танимиз, ақл-дилоқимиз билан ҳимоя қилишимиз, уни кўз гавҳаридек ардоқлаб, эъзозлашимиз керак.

Ўзбек халқи миллати, ўз истиқлолини, ўзинини ҳимоя қилишга ҳамisha қодир. Қолаверса, бахтли толе биларга доно, оқил ва фидоий Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлиги ато этган. Шундай экан, мустақиллигимиз маърифатчи ишончли кўрларга сақланиб, истиқлолимиз баҳори мангу бўлади.

Н. РАХИМОВ,
Фарғона вилояти ҳокимияти биринчи ўринбосари,
Ўзбекистон халқ депутати.



КЎҲИТАНГ ЯЙЛОВЛАРИДА

СУРХОНДАРЕ. Виллоятнинг чорвачилик хўжаликларини янада кўрениш қилиш ва янада янги йил муқаддам партияга ҳос бўлган мафқурага оид фойдаланиш тажрибаларни тиклашимиз, энг яхши анъаналарини давом эттириш лозим. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари тўб моҳиятини халқимизга ўз вақтида етказиш билан ортинча мишиларга барҳам берган, халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустақамлаш бўлади. Бу ўринда ХДП кенгаши, уларнинг бошланғич звенолари ёрдамида иш олиб бормаймиш. Шундай экан, ХДПга кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатлар берилса, мафқура соҳасидаги хизматлари мўносиб рағбатлантириб боришса мақсадда мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.



«ҚЎЗИ ОЛСАНГ ҲАМАЛДА ОЛ, БЎЛМАСА ТЕРИГА СОЛ»

ДЕИШАЯПТИ ҚЎЗИЛАТИШ МАВСУМИНИ ЯҚУНЛАЙТГАН САМАРҚАНДЛИК ЧЎПОН-ЧЎЛИКЛАР

Эмгир шивалар турганда Уроқ аванинг отарида қўзини матарани олишди. Қўй эгиз зўғиди. Тагин иккаласини урғочи. Бунақа тасолифта чўпонлик ҳаётида кам дуч келиди. Шу боис сурув ўтлаётган қўрини тасолифта қичиб чўкна тушди-да, юзига фотиха торди:

— Илоҳим, қўш бергани чин бўлсин! Элимнинг, болачақларимнинг насобасига табиат мард келсин!

Уроқ Назаров Нурободдаги тажрибали беш чўпонлардан. Ўттиз йилдан буён Қарнабўлдида «Олеа» хўжалигида сурув кетилган юрипти. Бу йил 635 бош совиқнинг ҳар 100 бошидан 110 тадан қўзи олишга аҳд қилган.

Ниятлари бажо бўлсин... Умуман Зарафшон воҳансида қўзилатиш эпасига бошланди. Шу кунларда чўпон учун кечяо кундуз бариқ билан дашта кўчиб чиқади у. Бир ой кўнига уйқу эмайди. Фақат бир ой. Лекин унинг ташвишу азобига ҳар ким ҳам чидай олмайд.

— Иқтисодий етишмовчиликлар қорақўлчилар олдида ҳам қўллаб муаммоларни кўндалан қилиб қўйди, — дейди виллоят қорақўлчилар трести бошлиғи Жаҳонгир Ризаев. — Чўлда бўлганлиги учун отарларга ҳар ким ҳам боравермайди. Шу кунларда чўпонга хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермайди. До

ТОШКЕНТ ОҲАНРАБОСИ

30 март куни эрта тонгда Германия Федератив Республикасидаги машҳур «Лифтханза» авиаконпаниясининг таёриаси Ўзбекистон Республикасини пойтахтига тайёрагоҳига келиб қўнган чоғда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконпаниясининг халқаро алоқалари тарихида яна бир янги саҳифа очилди. Германиянинг Йирк санюат ва маданият маркази — Франкфурт шаҳри билан Тошкентни боғлаб турувчи рейс «Лифтханза»нинг Марказий Осиёда маъқени мустақамлашди, айни чоғда Ўзбекистоннинг Германия ва Европанинг бошқа ўлкалари билан алоқаларини кенгайтирди.

Ҳафтада лўнинг 14 мамлакатидида 16 йирк шаҳарга 250 рейсини амалга ошираётган авиаконпания авиобусларни Ўзбекистон иқтисодиётига ҳисса қўшини мақсад қилиб олган германиялик ишбилармонларга, юртимиз зияратига мушторқ сайёҳларга ҳамда ўзбек ишбилармонлари ва сайёҳларга сешанба, шанба кунлари биринчи табақали, сармоядорлик ва сайру саҳаҳ даражасида хизмат кўрсатади.

«Лифтханза» ҳиссасдорлик авиаконпанияси шарийк

МАЙДОНГА ЧИКИНГ, ПОЛВОНЛАР!

Бутун Термизда кураш бўйича бошланғичлик халқаро мусобақида дунёнинг энг кучли полвонлари қатнашдилар. Афғонистон ва Туркия, Хитой Халқ Республикаси ва Покистон, Россия, Озарбайжон, Грузия, Марказий Осиё республикалари тақлимномалар юбориди.

Бу мўътабар кўрмк машҳур аллома, давлат арбоби ва ҳақим ат-Термизийнинг юбилейига бағишланади.

Мусобақа мезбонлари

полвонларнинг учрашуви ҳақиқий байрамга айлангани учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Сурхондаре виллоят ва Термиз шаҳар ҳокимликлари махсус жағмарга ташкил қилдилар. Республика Давлат физкультура ва спорт комитети, бошқа жамоат ташкилотлари муқофотлар тайёрлаб қўйишти. Турли вази тоифаларини фолбларга эсдалик совғалари берилди, меҳмонлар учун ас ат-Термизийга бағишланган рангдор альбом, шунингдек, ме

ИШОНЧ МЕЗОНИ



Халқ хўжалигининг барча тармоқлари барқарор ривожланиши, эл-юрт тинчлиги ва оёйишталлигини таъминлашдан кам кўра, улғурак, муқаддасроқ иш йўқдир. Бу борада виллоятимизда 1992 йил якунлари ва бу йилнинг ўтган даври натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, аксарият соҳаларда барқарорликка эришилганлигини туйвоҳи бўламиз.

Албатта, барча соҳа кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг имкони йўқ. Лекин шундай бўлса-да, фикримизнинг исботи учун айрим мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман. Қатор қийинчиликларга қарамай саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, аҳолига маънавий хизмат соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, 1991 йилга нисбатан ўтган йили виллоят маҳаллий савдо-саноат концерни меҳнат намоноси махсуслот соғитини 18 фоизга кўпайтирди. Ёни режага қўшимча 196,7 миллион сўмлик махсуслот ишлаб чиқарилди. Барча шаҳар ва районларда маҳаллий саноат корхоналари ташкил этилиб, аҳолининг истеъмол молларига бўлган талаб ва эҳтиёжи баҳоли қўрдат қондирилмоқда. Бу борада 1991 йилга нисбатан 2,8 баробар қўш махсуслот тайёрланди.

1993 йилнинг дастлабки ойлариди ҳам қўлар ютуқларини билан йўнатишди, виллоятимизда саноат махсуслотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 3,5 фоизга кўпайди. Ёни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 миллиард сўмлик қўш махсуслот ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликда ўтган йили 405 миң тонна хом ашё етиштирилиб, йиллик режа 100,2 фоизга адо этилди. Ҳосилдорлик гектаридан 28,6 центнерни ташкил этиди. Сабзавот, картошка, мева, дон, полза махсуслотлари харид қилиш режалари ортинги билан удалади. Чорвачилик соҳасида имкониятлардан тўла-роқ фойдаланиш доимий эъ

расида жон қуйдираётганликлари у кишига бўлган ҳурмат-эҳтиромни оширмоқда. Унинг вевосита ташаббуси туфайли айрим турдаги махсуслотларга белгилаган нарх-наволар тартибга солиниб, доимий назоратда тутилаётган. Оқирини бизнинг давлатдаги мўл-кўнчилик саробгарчиликка бугунги кунда бошқаларнинг ҳаваси келмоқда. Фикримизнинг далили учун ҳозирги пайтда 1 килограмм дон ташқаридан 80 сўмга сотиб олинаётгани ҳолда аҳолига ун 12 сўмдан берилётганини мисол қилиб келтирмоқчиман. Бундай ғамхўрликни соёбиқ Иттифонинг бошқа бир республикасида учратиш қийин.

Кундалик турмушида тинчлиги, оёйишталлиги бўлмаган халқнинг меҳнатига унум, рўзғорига қўш-барана бўладими? Кейинги пайтларда қўшни Тожикистон Республикасида зўг берган воқеага солиб, дилнимизни паропара қилмоқдам. Бунинг барчаси қўймай иш тутиш, кўр-кўрона сибсатнинг оқибат эриқлигини яқин тушунамиз. Ислом дини инқоби остида амал талашилар, мансабпарастлик иллатлари халқни шу кўйга солди. Миллатимизга, муслмончиликка ёт бундай унсурулар бизнинг республикасида ҳам диний ниқоб остида иш олиб боришининг эътивади олди олинганлиги, тегишли чоралар қўрилганлиги тўғри иш бўлди. Тожикистонда тинчлик ва оёйишталлиги таъминлашда И. А. Каримов муҳим ролни ўйнаётганини учун ҳам унинг «обур-эътибори жаҳон жамоатчилиги олдида янада ортади.

Мана, қўлимда И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажакни буюқ давлат» деб номланган рисоласи. Уни қайта-қайта ўқир эканман, китоб мен учун янги маъно ва маъмул кашф этади. Умуман олганда, Президентимизнинг ҳар бир китоби фикрларга бойлиги, терапий

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Насимбек РАҲИМОВ 1944 йилда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманининг Нурсул қишлоғида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳини тугатган иқтисодчи бўлиб ишлаган, 26 ёшидан бошлаб партия, комсомол, ҳокимлик ишларида меҳнат қилмоқда. Айни пайтда Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ХДП аъзоси. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, иқтисод фанлари номзоди.

Сиёсий ташкилот нуфузи

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Хонобод шаҳар ҳокими Махсум Мўсаевнинг хонасида, ХДП Хонобод шаҳар кенгашининг биринчи котиби Илтимом Холқов ҳам биз билан бирга. Мен ҳокимдан партия ташкилотига муносабатини сўрадим. — Халқ демократик партияси шахсан Президентнинг ташаббуси билан тузилган. Унга Президентнинг ўзи раис. Шундай экан, партияга эътиқод — Президент эътиқодидир. — дейди у. — Президент ҳаммага қарата ҳалди меҳнат қилиш керак, деди. Партиянинг шiori ҳам шу. Бу ҳокимга ҳам, партия аъзосига ҳам бирдай тааллуқли. Йўлимиз, имон-эътиқодимиз бир. Ислом Абдуғаниевич таъкидлаганидек, инсоннинг инсонга меҳри, оқибати, яхшилиги йўқолмасдир. Ҳоким

ийб ишчи давом эттириш орузида.

— Партия ташкилоти билан қандай ишбатганимизни бутун ҳамма кўриб, билиб турибди. — деди шаҳар ҳокими суҳбат чоғида. — Ҳамма нарсани аниқлик, ошқоралик, оқиқча муносабат ҳукмрон. Баҳс-лашмаймиш, деб айтмайман. Ваҳшашамиз. Лекин бирдан-бир тўғри қарорга келамиз. Бу шунинг учунки, фикр-мулоҳазаларимиз, хатти-ҳаракатларимиз соғлом асогга эга. Ана шу асос ҳалол принципдир.

Ҳоким ХДПга эътиқоди баландлиги, партия тарбиясида камол топгани, одамлар қисқа танавфусдан кейин партияга эргаша бошлаганлигини айтиди. Бизда яхши раҳбар ҳамisha партияга таянадиган, деган фикр уйғонди. Бунинг «Набелъ» ҳамда чарматторлик ишлаб чиқариш бирлашмаларига борганимизда тўла ҳис эътиқод. Набелъ ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия

Анорбой ҚҮРНОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Республика раҳбарияти бу мусобақани ўтказиш ташаббусини баёонидил қўллаб-қувватлади. Полвонлар Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислом Каримовнинг бир миллион сўмлик совринини олиш учун куч синишдилар. Бош соврин энг кучли полвонга — мўътабар вази тоифасидаги голбига топширилди. (Ўа).

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА

Жиззах — халқ ҳўжалиги сертармок, истиқболли порлоқ вилоятлардан. Бу заминда турфа манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин: асрий хазиналарни ўзид асраган кўна осори-атиқалару янгидан пайдо бўлаётган шаҳарчалар ўзаро уйғунлашиб кетган. Яқин ўтмишимизда Жиззахнинг номини харитадан ўчиришлар уринишлар ҳам бўлди. Айтиш мумкин, сақончики йилларнинг иккинчи ярмида юртимизга ёпирилган қатагондан бу маскан одалари кўпроқ жабрландилар.

Яқинда, қадок қўлли меҳнатқилинчи, бағри кенг халқнинг заррача айби йўқлигини баралла айтдида мард ва дадил раҳбарлар юрт бошига келиб ҳақиқатни тиклаш учун ҳамма ишни қилдилар. Айниқса, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов атоқли ёсувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги тантаналарида Жиззахликлар шаънига юксак баҳо берганлиги воқо одалари қалбид а ўзгача гўрур ўйғотди.

Ҳўш, ҳозирги пайтда вилоятда одаларнинг ахвол, руҳияти қандай? Ақолини савдо, маънавий хизмат кўрсатиш қай ҳолатда? Жиззахнинг бугунги раҳбарлари амалга ошираётган иш тўғрисида ҳақни айтди. Агар масалага ана шу нуқта назардан қасас қадолатдан бўлур эди. Негаки, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг асосий омиллари қўриқиди савдоларга қандай жавоб берилиши билан боғлиқдир. Келинг, ана шу масалалар ҳусусида аниқ мисолларга таяниб мулоҳаза юртайлик. Ҳўтан йили республикамиз бўйича 1 миллиард 251 миллион сўмликдан зиёд молмулк божхона қароргоҳларида четга олиб кетилаётганда тўхтаб қолган бўлса, ҳудуди шу даврда Жиззах вилоятида 333 миллион 688 минг 875 сўмлик маҳсулот ушлаб қолган. Шу тақдосдан ҳам кўриниб турибдики, вилоятда қонуни четлаб ўтишга уриниш ўртача даражадан ҳам бирмунча юқори.

Агар Жиззахликлар билан очилиб сўхбат курсангиз қатор соҳаларда, айниқса савдода тартиб бўлишига унча ишончирмаганларига гувоҳ бўласиз. Бугунги кунда вилоят ақолини бу савдолар «ҳа» ёки «бўлиши мумкин», деган жавоб билан ҳечам қониқтирмайсиз. Халқ, айниқса, бевосита шу соҳада меҳнат қилаётганларнинг сўзлари ишонмай қўйишига анча бўлди. Хизмат юзасидан савдо идораларига бориб қолсангиз, ёки шу ташкилот раҳбарларининг минбарлардан айтган нутқларини тингласангиз, жуда силлиқ, раво маърузани эшитасиз. Башарти ақоли ўртасидаги норозилардан, етишмовчиликлардан сўз очсангиз, шу заҳоти пластмаснинг орасини қўйишади. Соҳадаги қийинчиликлар, муаммоларни қаштириб ташлашади.

Кейинги пайтда давлат дўконларидаги (гижоратлик кўчарини) бирорта молнинг аниқ нархини айтдиган мард тошмайди. Чунки қўнанинг бу бетиди бир нарх бўлса, нариги бетиди бошқа нарх. Билмасдан қимматроғини олиб қўйсангиз, 3-4 кун «ичингиздан зил кети» юради. Чунки давлат дўконларида ҳам «сотилган мол қайтиб олинмайди» деган ёзувлар пайдо бўлган.

— Ақоли дўконларда молларнинг қиммати нархда, яъни сотилаётганлигини норози, — дейиш «Жиззах савдо» ишлаб чиқариш концерни раҳбарларига.

— Яшириб сотадиган молнинг ўзи йўқ-ку, — дейишди улар жўр бўлишиб.

Дўкон пештахталарида ўзигагина ишлаб чиқарилаётган кўпгина молларнинг йўқлиги рости. Мана, бу ҳақда форшилки 3. Ҳамидов нима дейди: Яқинда зарурат тўғрисида бир қўти конфет ва лағмонни қўшни райондан топиб келдим. Ҳўглини уйдан тиримчи бўлиб юрган қўшнимиз аса мамунасига бўш

лоятдаги савдо дўконларида тез-тез учраб турибди. Савол туғилади: қўш, қўрида номлари келтирилган моллар қардан олинмапти? Ҳеч қимнинг шахсий заводи йўқ-ку, арақ, шакар, гўруч ишлаб чиқарса. Шу ўринда ҳўфена савдо-сотиб давлат идоралари хизматчилари-ю, бочча тарбиячилари, мактаб муаллимлари орасида ҳам кенг тарқалиб бораётганлигини ачиниш билан таъкидлаш даркор. Улар айнан давлат дўконларида ўз нархда сотилиши керак бўлган кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини бир-бирларига сотишмоқда. Бу билан улар арзимаган фойда асагина савдо ходимларининг мафлақатлари учун хизмат қилишарти. Афсуски, бундай ишларни ҳам ҳўзирча ҳеч ким тартибга қайтирмапти.

Яқинда Жиззах шаҳар давлат назорати инспекцияси ҳамкорлигида «Нур» акционерлик жамиятига қарашли дўкон фаолиятини ўргандик. Буни қарангки, конфет, арақ, печенье каби 1 миллион сўмликдан ортиқ молларни яшириб қўйишган экан. Бундан огоҳ бўлган «Жиззах савдо» концерни раҳбарлари эртаси кункиё айбдорларни жазолаш, намчиликларни тўзатиш тарафдудига тушидик. Уларнинг

фармойишларининг ижроси бекаму қўст таъминланмас экан, халқни ёрин келажакка ишонтириб бўлмайди. Бу ҳол, айниқса, ҳар кунги, ҳар соатда халқ билан муомала қиладиган савдо соҳаси ходимларидан катта масъулият талаб этади. Минг афсуски, қўриқ вилоятдаги савдо ташкилотларида ўз фаолиятларини ақоли талаб-истақли даражасида ташкил этишга астойдил интилишмаяпти. Асинчда, улар ўз айбларини ниқоблаш учун турли баҳоналарни қидириб томоқдалар. Таъминотдаги узалишлар рўқат қилинмоқда. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, халқ ўша етишмайган озиқ-овқат ва бошқа кундалик зарур маҳсулотларни топапти. Лекин айнан ўзигагина ишлаб чиқарилаётган ўша маҳсулотларни дўконлардан давлат нархид а эмас, бошқа йўлар орқали қиммат нархда сотиб олапти. Қимларингидир нопок ниятлари амалга ошапти.

Албатта, юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин ана шу нуқсонларнинг илдизи очиб берилмаса, рўй бериш учун яратилган шароит таҳлил қилинмаса адолатдан бўлмайди. Бизнингча, ҳамма иллат вилоятдаги

Арносай район матлубот жамияти Қўзғотидаги «Забота» кичик корхонасига 10 тонна ўсимлик ёғини 10 тонна гўручга алмаштириш ҳақида шартнома тузиб, 8,5 тонна мой жўнатганида қўлга тушди. Чунки ўсимлик ёғини четга чиқариш учун республика Вазирилар Маҳкамасининг руҳсати зарур эди.

Жойлардаги назорат, молиявий тафтиш ишлари

ИНСОФ ВА ДИЁНАТ НЕГА БОЙ БЕРИЛДИ?

дўкончиларнинг бундай қилдиқларидан беҳабарлигига ишонинг келмайди.

Демоқчимизки, савдо ташкилотларида ўз-ўзини назорат қилиш, терғаш, иллатларни фўш этишга интилишнинг ўзи йўқ. Бўлса ҳам номингана.

«Жиззах савдо» концерни бошқаруви 9 февралда «Тоғжир» ҳўссадорлик жамиятига республика Вазирилар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги қарорининг бажарилиши масаласини қўрганда, дўконларда қандайдир 5—10 килограммдан озиқ-овқат маҳсулотлари етмаганлигини қайд этган. Гўё, бошқа томонлар ривоятлагидек ёмиш. Аслида ҳақиқий манзара ўзгача. Ёки бошқа бир ҳолатта эътибор қилинг. Ақолининг фаолиятли моллар билан таъминланмиш ҳақидаги маълумотномадаги рақамлар силлиқгина. Яъни, концерн амалда олинган маҳсулотни тақсимлаш орқалигина мамунадини «қоплаётгандай». Аслида шу йилнинг ўтган ойларида 41 тонна ўсимлик ёғин, фақат январь ойида 15 тонна чой кам тарқатилди.

Вилоятдаги «Зарурат», «Келин-куёвлар» учун мавжуд бўлган дўконлари ҳам фаолиятсиз деса бўлади. «Жиззах савдо» концерни раиси Юнус Сатторовнинг сўзига қараганда «Зарурат» дўконларида моллар кафолатланган маҳсулотлардан ортасига берилар ёмиш. Келин-куёвлардан уй жиҳозлари, пойдоқ сўраб ёзилган минглаб аризалар натижадан қолапти.


Вилоят матлубот жамиятлари уюшмасидаги ахвол бундан ҳам ачинарли. Вах

нинг ўта юзани ва сифатсизлигини расмиёт учунгина олиб бораётганини қўйидаги фактлар ҳам тасдиқлайди. Ҳўтан йили ўткарилган 1636 та инвентаризация сифатсиз, деб топилган. Шуларнинг 496 тасида комиссия аъзоларининг тўла иштироки таъминланмаган. Оқибатда, 610 марта қайта текшириш ўтказилди, жиддий нуқсонлар аниқланган.

Яқинда ақолининг кўплаб норозиликлари асосида савдо тармоқларида иш вақтларини қандай ташкил этилаётганини ўрганишга тўғри келиди. Маълум бўлишича, дўконларнинг катта қисми шабба кунги шаҳар ва район марказларидаги ямарқа ва бозорларда жўнаш тарафдудиди бўлиб ишламас экан. Яншабада бозорда бўлган дўкончилар эртасига «қонуний» дам оладилар. Яъни, қишлоқлардаги дўконларнинг аксарият кўпчилиги деярли 3 кун ишламайди.

— Ҳатто нон олиш учун шаҳардаги дўконга келамиз, — дейди харидор Эрғаш Ҳамдамов бу ҳолатдан норози бўлиб.

Мустанкик жумҳуриятимизда уюшган жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланган бир пайтда яқиндаги жиноятларнинг илдизи олиш, уларни фўш этиш, қонуни йўли билан жазолаш ҳал қилувчи омиш эканлигини унутмаслигимиз лозим. Республикамиз раҳбарияти, ҳусусан Президентининг, ақолини интиСОДИЙ ҳимоятлаш борасидаги сўй-ҳаракати фаол қўллаб-қувватланмас, бу борда қабул қилинаётган қарор ва



САЛТАНАТ САРОЙИДА УТИРИШ ВА УРИН ОЛИШ ТУЗУГИ

Амр эрдимки, ўғилларим, набираларим ва қавм-қариндошларим ўз даража ва мартабаларига яраша худди ой қўрғонлагандек, салтанат тахтини ўраб ўлтириллар. Саййидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар улуғлар ва ашроф! ўнг томондан ўрин олсинлар. Амр ул-умаро, бекларбеги, амирлар, нўёнлар, улус, туманлар ва қўшинларнинг сардорлари ва амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўз мартабаларига яраша, чап қўл томонда ўтирсинлар.

Девонбеги ва вазирларнинг ўрнини тахт қаршисидан кўрсатдим. Турли мамлакатлар, эл-улусларнинг қолонларлари ва кадҳудолари эса, вазирлар орасида саф бўлиб ўтиришларини буюрдим. Баҳодир деган фахрли номга эга мард йиғитлар, қилч қопиб танилган ўғлонлар, салтанат тахтининг оқсидан, ўнг қўл томонда ўтирсинлар. Қоровулбегилар эса салтанат тахтининг оқсидан, чап қўл томонда ўтиришларини буюрдим. Хиравул амираи менинг рўпарамдан ўрин олсин. Ички ҳусусий ясовулини эса катта қодир эшиги олдида, тахтим поясининг тўғрисида тик турсин. Додҳўлар! ўнг ва чап томонда тик турсинлар.

Қолган сипоҳийлар (сойирн сипоҳ)! хизматчи ва ҳашамлар! ҳар қайсилари ўз мартабаларига яраша саф тортиб, ўз жойларини билиб тик турсинлар.

Урин олиш қондаларининг бажарилишини назорат қилувчи тўрт амирга, мажлисга ҳозир бўлганларни ўз тартиби билан тахтининг ўнг ва сўл, олди ва оқсидан жойлаштиришларини буюрдим.

Яна ҳўкм қилдимки, қачон мажлис қойдага мувофиқ тартибга келтирилган, минг товоқ ош, минг дона нон келтириб, умум йиғиланлар (оммага) шўхона зўефат (шилон) берсинлар. Минг товоқ ошнинг мумтоз ва хос кишилар базмига олиб келиб, шундан беш юз товоғини улус амирларига, саркардаларига, оқсоқолларга, ҳар қайсининг номига атаб, мажлисига киргизсинлар.

1 Ашроф — шаоф ва эътибор эгалари, олий табақа мансуб кишилар.
2 Ички — кичик лавозимдаги сарой хизматчиси.
3 Додҳў — эрза-дод билан келганларнинг ари-засини қабул қилиб олиб, подшога етказувчи мансабдор.
4 Сойирн сипоҳ — ҳарбий юрши пайтида ақолини сафарбар қилинган лашкар.
5 Ҳашам — подшо, хон, амирларга яқин киши; хизматкор.

93.

МАМЛАКАТЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШ ТУЗУГИ

Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фиску фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фисқ-фасодни, зулм йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳўжум бошлаш лозим. Тангри таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни зулмининг қўлидан тортиб олиб, одил [подшо]га топширади. Чунки, мен Мовароуннаҳр вилоятида адолат ўрнатиш нияти билан [уни] зулм ўзбакия тоғосининг қўлидан тортиб олдим.

Қайси бир мамлакатда шарият занфлашган бўлса, Аллоҳ улўф қилган нарсаларини ҳор тутсалар ва худонинг хос бандаларини ранжитсалар, чинакам жаҳонгир султон, ҳазрати Мухаммад, саллоллоҳу алайҳи васаллам, дин ва шариятга ривож бериш учун ўша мамлакатга кирсин. Худонинг расули унга мададу иноят кўрсатгай. Бунга мисол, мен Ҳиндистон пойтахтини Фирузшоҳнинг набираси султон Маҳмуддан, Маллухот ва Сорангдан тортиб олдим, дину шариятнинг ривож бердим ва у диёрнинг бутхоналарини буздим.

Қайси мамлакатнинг ақолиси ўз ҳўкми ёки валийсидан озор чеккан ва ўша диёр ақолини кўнгли ўз валийсидан қолган бўлса, мамлакатларни забт этувчи чинакам подшоҳ у ерларни ўз тасарруфига олсин. Одил подшоҳ у ерга қадам қўйиши билан фатҳу зафар ҳам унга ёр бўлиб, бирга қиради. Бунга мисол, мен Хўросон вилоятини карт султонларидан ажратиб олдим¹. Хўросон пойтахти — Ҳиротга қараб юзланганим билан Султон Ҳўсиддин бутун мамлакатни, ҳазина-дафналарини билан, пешкаш қилиб менга топширди.

Қайси мамлакатда диндан қайтишлик (ил-ҳод) ва зиндиқлик² кучайса ва у диёрнинг ақолиси, сипоҳу раият турли маслакка кириб иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳўлакати яқиндир. Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юрт устига босқин қилиши лозим. Мисол учун мен Ироқи аям ва Форс вилоятларини малтун динсизлар вужудидан тозаладим, турли тоифадаги ҳўкмдорларни афлардим, худо бандаларини, ҳар ерда ўз салтанат байроғини кўтарган бундайларнинг жабр-зулмидан қўтқаздим.

Қайси мамлакатда диндан қайтишлик (ил-ҳод) ва зиндиқлик² кучайса ва у диёрнинг ақолиси, сипоҳу раият турли маслакка кириб иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳўлакати яқиндир. Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юрт устига босқин қилиши лозим. Мисол учун мен Ироқи аям ва Форс вилоятларини малтун динсизлар вужудидан тозаладим, турли тоифадаги ҳўкмдорларни афлардим, худо бандаларини, ҳар ерда ўз салтанат байроғини кўтарган бундайларнинг жабр-зулмидан қўтқаздим.

1 Дехлида ҳўкмронлик қилган тулқийлар сулоласи ҳўкмдорларидан бири Фирузшоҳ III (1351—1388).
2 Керт султонлари — ғўр ва Ҳўрот вилоятлари устидан ҳўкм юртяган элони. Унга Маллик Шамсуддин Мухаммад (1245 й вазфот этган) асос солган.
3 Бу воқеа 1381 йили содир бўлган.
4 Зиндиқлик — худосизлик, динга ишонмаслик.

«ШАХМАТ»

1851 йилда Лондонда ўтказилган биринчи ҳалқаро турнирда махсус шахмат соатлари йўқлиги сабабли галати воқеалар юз берган. Чунки, ҳар бир партияга биттадан махсус котиб тайинланиб, у юришларни қабл боришдан ташқари, ўйин пайтида содир бўлган барча ичир-чиқиларни ҳам ҳисобга олиб борган. Бир столада «ўйлавериб» рақибимни жонидан тўғизмаган деган ниятдаги икки шахматчи учрашиб қолади. Ўйин бошланганига ўн соатдан ошса-да, кети кўринамасди. Бироқ бу ўйин кўксидан «туғадн».

12 соат бўлай деганда котиб протоколга охириги март: «Иккала шахматчи ҳам ухлаб қолди», деб ёзди ва имзо чекди. Шартанж оламида бўладиган

«ШАХМАТ»

М. МУҲИДИНОВ

Бу сингари қизқарган, кўглиги воқеалар, ҳўқоқларни ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, спорт устаси М. Муҳидиновнинг «Шахмат» деб номланган китобида истаганингизча қўшимчиз мумкин. Қўланма аслида шахматни янги ўртануви мактаб ўқувчилари ва келма келма шахматчилар учун мўлжалланган бўлса-да, бироқ оммабон ва ҳаммабон қилиб ёзилганлиги билан ақимиятлар. Унда баён қилинган фикрлар оддийдан аста-секин муркаблашиб боради. Шу боис автор ҳаваскорларни бош қўтариладиган айрим материаллар билан зериктириб қўймаслик учун китобнинг баъзи жойларда қизқарли саҳифалар, турли тарихий маълумотлар, шахмат юморида намуналар беришни максатда мувофиқ деб топган.

Қўланма ана шуниси билан ҳам ақимиятлики, унда шахмат тарихи, назарияси ва ўйин қондалари ёритилди. Шунингдек, машўр шахматчиларнинг ўйнаган партияларидан намуналар ҳам келтирилган.

«ЖИЛҒА»

Раҳматнинг навбатдаги шеърини тўплами «Жилға» деб номланган. Зеро, барча дарёлар жилғалардан бошланади. Бу мусаффо жилғанинг борар мазали ҳам мусаффо уммон бўлишга тилакдошми. Қўлган гапларни эса, саҳифаларни арақлаб ўзингиз топиб оларсиз, муҳтарам ўқувчи...

Истеъдодли шоир Уткир...

УТКИР РАҲМАТ ЖИЛҒА

Тол деган манзиллар ҳам бор. Бўй кўрсатар сен кутан имкон. Олам бугун сенга бўлган тор. Бир кун келиб бўлади гирён!

Бир кун келиб бўлади гирён. Ахир, умр ўтган бўлади. Йиллаб ўзин урмасан ҳар ён. Бор ишончини юртан бўлади!

Сочларингни сийлайди сабо, Бўй кўрсатган ояга тикиб кўз. Не гап ўтди, айтгин, дилраб. Овутишга толай қандай сўз.

Сийратингда кўп сирлар зоҳир. Енокларнинг лоза кеби ол. Ўтган умр қайтмас-ку ахир. Ўзини янаи бас қил, айта қол!

Соғинч, қайғу, билсанг, эгизак. Қўл ушлашиб юради дом. Бирни кимга тутқазса билак. Кимга бири кулар мулоймак.

Тол деган манзиллар ҳам бор. Бўй кўрсатар сен кутан имкон. Олам бугун сенга бўлган тор. Бир кун келиб бўлади гирён!

Бир кун келиб бўлади гирён. Ахир, умр ўтган бўлади. Йиллаб ўзин урмасан ҳар ён. Бор ишончини юртан бўлади!

Сочларингни сийлайди сабо, Бўй кўрсатган ояга тикиб кўз.

Уткир РАҲМАТ.



Мана ўлмамизга Наврўз олам кириб келганига ҳам ўн кундан ошди. Ташкентдаги Халқлар дўстлиги майдонда бошланган байрам тантаналари республикамиз бўйлаб одимламоқда. Шаҳар-кишлоқларда, маҳалла-қўйларда Наврўз тантаналари давом этмоқда. Юқоридаги суратлардаги лавҳаларда ҳам ана шу тантаналар акс эттирилган. Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

Ёзувчи ён дафтаридан

ХИЗМАТ тақозоси билан йўлим Шаҳрихонга тушиб қолди. У ерда кизнинг учрашувлар ўтказди. Давраларнинг бирини гап ўзидан ҳофиз Жўра фасон ҳақида айтаётган эдим. Суҳбатдошлардан бири олиб, бири қўйиб, «фалон жойда фалон раҳбарнинг тўйи бўлганда, тўйга Жўра фасон ҳам келувди. Унинг ашуларини мириқиб, маза қилиб эшитдик», деса бошқа бировлар «Жўра фасон аллақачон модалдан чиқиб кетган. Халқ ашуларини унвонини олган бир унинг ўзини» дейишди.

ашуларини унвонини соҳиб Жўра фасон Юсупов. У кишига тикилиб қарайман: бир пайтлар не-не қизларнинг юрагини ўйнатган, бугунги кунга келиб, юзларига ажин соя солиб, сочи, соқоли оқариб қолган, лекин қарашлари ҳамон ўткир, ҳаракатлари тетик. — Келинлар, келинлар, хуш кўрдик, — дея бизларни таклиф қилди Жўра фасон, — қани, аяси, бир ошга уйнаб юборинг!

маёнда дув-дув гап. Манаман деган ёш йигитлар Логон канални қурилишига жўнаб кетди. Бир кунги саломимга зўрға алик оладиган колхоз раиси излаб келиб қолди. Раиснинг айтишича, гўё Йўлдош Охунбобоев Ташкентдан Шаҳрихонга сийм қўйган эмиш. «Жўра фасонни ҳам Логон қурилишига жўнатиб юборинг» деган эмиш.

ЖўРА ФАСОН тўсатдан жимиб қолди. Бир зумгина кўзларни юмди, чуқур ух тортиди. Жўра фасон ҳеч бир кутимлагадана ўз-ўзинча қулиб юборди. — Қизиқ бир воқеа эсимга тушиб қолди, — деди у жонланиб. — Бир кунги тушлик пайти эди. Канал қазувчилар ўта чарчаган. Ишдан чарчаган одамларнинг руҳини кўтариш керак.

Хуллас, Жўра фасоннинг ишончи, инжирчилик маҳорати ҳақида роса талашиб-тортишибди. Гапнинг рости, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб «Халқ ашуларини» унвонини олган Жўра фасон ҳақида жўяли бир гап эшитмаган эканман. Халиги гурунг сабаб бўлиб, Жўра фасон билан кизиқиб қолдим.

Орзиҳон ая секин ўридан қўзғалди. Қизиқ турган темир ўчоққа қойилиб қўйди. Сўнгра қуймағи сабини тўрага киришти. — Болалигимда бир галати одатим бор эди, — дея

Бу хабар шахсан мен учун байрамга айланди. Вақтин кутиб ўтирмай ашуларча ўроқчилар билан тезда Логон қурилишига жўнаб кетдик. Қурилиш арининг уяси сингари қайнаган. Ҳамма шу ерда — колхозчи ҳам, тракторчи ҳам, санъаткор ҳам, ҳукумат раҳбарлари ҳам. Биз ҳам қараб турмадик. Гоҳ қурилишнинг у ерида, гоҳ бу ерда ҳар кунги уюштурувчи, ҳамма жойда тумонат одам. Мен Логон қурилишида халқимизнинг санъатини қанчалик қадрлаганини, ҳурмат қилишини чуқур ҳис қилдим. Бу менинг учун улкан мантаб бўлди.

Шу пайт қаёқдандир Усмон ота келиб қолди. Сезгир одам эмасми, дарров вазиятни тушуниди. — Жўра фасон, — дея менга мурожаат қилиб қолди Усмон ота. — Шундай бир ашула айтиб берингки, одамларнинг руҳи кўтарилсин. Мен нима қилишимни билмай қангир қолдим. Барчанинг кўзи менга тикилган. — Бир эслагин-а? — дея мурожаат қилди Жўра фасон Орзиҳон аяга қараб, бир пайтлар сенга «Ҳаналакам ўйнасин» ашуларини айтиб берганман. Ўшанда Усмон отанинг элтимосини адо қилиш учун «Ҳаналакам» ашуларини шунақа қилиб айтиб бердим, ҳатто ўзининг қаерда турганимни ҳам унутиб қўйибман.

Жўра Юсупов Ўзбекистоннинг юксак унвонини биринчилардан бўлиб олган халқ ҳофизидир. Шу ҳусуддаги ҳужжатлардан бирини тилга олиб ўтайлик: «Ўзбекистон ССР Олий Советининг фармони: Ўзбекистон ССР халқ ашуларини, 1940 йил 21 май».

Ота менга мурожаат қилди: — Ўғлим, ширали овозингиз бор экан. Бу овозинг тарбия қилиш керак, — дедилар ва қора машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Шу ўринда қизиқ бир воқеани тилга олиб ўтгим келади. Ҳали эсимда, одамлар тушликка чиққан пайти эди. Бир гуруҳ хонадалар берилиб халқ қўшиқларини ижро этиб туришди. Рақиясалар ўйини ҳам авж парда-сида. Қурувчиларнинг руҳи баланд. Ўзим берилиб ашула айтаётганим, бир пайт кўзим давра олдига ўтирган Усмон отанинг кайфияти баланд, нукул дарсақ чалади.

— Бунча кўп гапирасиз. Шу пайт Орзиҳон ая сўз қотди. Сиз ахир нотик эмас, ҳофизсиз-ку! Ашуларнингиздан айтиб берасизми-йўқми, меҳмонларга. — Ҳа, дарвоқе, узр, — деди ҳофиз, — нукул гапирибману, ашула айтаётган беришнинг унутиб қўйибман. Орзиҳон ая яна гап қўшди. — Амир Умархоннинг «Қалам қоши»ни айтиб беринг меҳмонга.

Мени ҳаминишга қайтиб келишим керак, деб ўйлаётган дала бўйлаб қочаман. Қанчалик қочинга уримай аллақачон отанинг кишилар барибир мени туғди келишиди. Кейин билсам, ҳақиқатан ҳам мени Йўлдош Охунбобоев кутаётган экан. Отанинг рўпарасида қора рангли машина, атрофида нотаниш ҳарбий кишилар.

Ота менга мурожаат қилди: — Ўғлим, ширали овозингиз бор экан. Бу овозинг тарбия қилиш керак, — дедилар ва қора машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Шу воқеа сабаб, Усмон Юсуповнинг таклифи билан бизнинг дастада Ташкентга таклиф қилинди. Биз бу ерда, айниқса Жангтоб (Пушкин парк)да бир неча вақт концертлар қўйдик. Сўнгра ҳукуматнинг қарори билан Янгйўл музикали ва драма театрида иш бошладик.

Мен ўз-ўзимга савол бераман. Нега шунча йиллардан бери ҳушовоз хонада Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб «Халқ ашуларини» унвонини олган Жўра фасоннинг ашуларини эшитмаганимиз? Ўшунга тўғривчилик қилган. Менинг фикримча, ҳофизнинг радио ва телевидениеда чиқмаслиги сабаб ўзининг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиздир.

Орзиҳон ая бизларни ичари бошлади. Мўъжазгина хонанинг жиҳозлари ўта оддий: эски хонтахта, темир қаработ, эски шкаф, темир ўчоқ, бир чеккада тахланган кўрпа ва кўрпачалар. Дераза олдига аллақачон тўсонларни уриб қўйган, истараси иссиқ бир чол мудраб ўтирибди.

Ота менга мурожаат қилди: — Ўғлим, ширали овозингиз бор экан. Бу овозинг тарбия қилиш керак, — дедилар ва қора машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Мана, худого минг қатла шукур, юртимизда истиқлол шабадаси кезиб юрибди. Энди Жўра фасон сингари халқимизнинг фахри бўлган, халқимиз хонадаларини тиркилишида обрўсини ўрнига қўйдиган пайт келди.

Мен ўз-ўзимга савол бераман. Нега шунча йиллардан бери ҳушовоз хонада Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб «Халқ ашуларини» унвонини олган Жўра фасоннинг ашуларини эшитмаганимиз? Ўшунга тўғривчилик қилган. Менинг фикримча, ҳофизнинг радио ва телевидениеда чиқмаслиги сабаб ўзининг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиздир.

Манзил: 700048, Ленинград кўчаси 32-уй.

Ўзбекистон овози ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 1993 йилга қуйдаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ назарий тилшунослик, олмон тиллари, роман тиллари, рус тили, чет тиллар ва рус тили ўқитиш методикаси, рус адабиёти, назарий педагогика ва педагогика тарихи. Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлири дастури хажмида қуйдаги танлов кириш имтиҳонларини топширадилар: мутахассислик бўйича фалсафа ва чет тиллардан бири.

МАХСУС АВТОМАТЛАШТИРИШ КОРХОНАСИ — Ташкилот ва корхоналар билан ёнги-қуриқлаш сигналзация системаларини қуриш, таъмирлаш, сошлаш ва фойдаланиш ишларига шартнома тузади.

ХАЛҚАРО САВДО УЙИ Белорусь йирик тижорат банкининг Ўзбекистондаги вакили

«ОМСКМАРКЕТ» ФИРМАСИ «Омскмаркет» фирмаси Сизнинг ҳар қандай мулкнингизни ишончли қўриқлаш билан таъминлайди.

«ШАЙХ» САВДО УЙИ «Шайх» савдо уйи нафис ҳисоб-китоб қилиш йўли билан қайта шилланган чарқиб олинадиган ХВС 1642 пўлда ва алюминий чўткалари, икки ойналди 14ХВ 21650 юқори дискларини қабул қилади.

«ШАЙХ» САВДО УЙИ «Шайх» савдо уйи нафис ҳисоб-китоб қилиш йўли билан қайта шилланган чарқиб олинадиган ХВС 1642 пўлда ва алюминий чўткалари, икки ойналди 14ХВ 21650 юқори дискларини қабул қилади.

«ШАЙХ» САВДО УЙИ «Шайх» савдо уйи нафис ҳисоб-китоб қилиш йўли билан қайта шилланган чарқиб олинадиган ХВС 1642 пўлда ва алюминий чўткалари, икки ойналди 14ХВ 21650 юқори дискларини қабул қилади.

«ШАЙХ» САВДО УЙИ «Шайх» савдо уйи нафис ҳисоб-китоб қилиш йўли билан қайта шилланган чарқиб олинадиган ХВС 1642 пўлда ва алюминий чўткалари, икки ойналди 14ХВ 21650 юқори дискларини қабул қилади.

«ШАЙХ» САВДО УЙИ «Шайх» савдо уйи нафис ҳисоб-китоб қилиш йўли билан қайта шилланган чарқиб олинадиган ХВС 1642 пўлда ва алюминий чўткалари, икки ойналди 14ХВ 21650 юқори дискларини қабул қилади.

«ШАЙХ» САВДО УЙИ «Шайх» савдо уйи нафис ҳисоб-китоб қилиш йўли билан қайта шилланган чарқиб олинадиган ХВС 1642 пўлда ва алюминий чўткалари, икки ойналди 14ХВ 21650 юқори дискларини қабул қилади.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ! Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 12 февралда ички ютуқли заъми 1993 йил 30 март Термиз шаҳрида ўтказилган IV ютуқлар тиражининг

Table with 6 columns: Сервис, облигация номерлари, ютуқ миқдори (сўм), Сервис, облигация номерлари, ютуқ миқдори (сўм).

Main table with 6 columns: Сервис, облигация номерлари, ютуқ миқдори (сўм), Сервис, облигация номерлари, ютуқ миқдори (сўм).

Ютуқлар тиражнинг ўташми комиссиясининг раиси Термиз шаҳар ҳокими Қ. Х. АХМЕДОВ. Тираж комиссиясининг маъсул котибаси Ўзбекистон жағғарма банкининг аҳолига умумий хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлигининг муовини Т. М. МИННОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-44. Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16. Виллоят мухбирлари — 33-12-16; 32-52-20. Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16. «Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70. Котибият — 33-72-83; 32-53-06. Эълон ва билдирүүлەر — 32-54-14. Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35. Кабулхона — 32-53-19.